

ISSN: 2181-1040
DOI: 10.26739/2181-1040
tadqiqot.uz/renaissance



JCAR

**JOURNAL OF CENTRAL
ASIAN RENAISSANCE**



VOLUME 4 | 2023
ISSUE 1

МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕССАНСИ ЖУРНАЛИ

ЖИЛД 4, СОН 1

ЖУРНАЛ РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ
ТОМ 4, НОМЕР 1

JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE
VOLUME 4, ISSUE 1



Бош муҳаррир:

МАДАЕВА ШАҲНОЗА ОМОНУЛЛАЕВНА

фалсафа фанлари доктори, профессор
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:

ЮСУПОВА ДИЛДОРА ДИЛШАТОВНА

фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

Бош муҳаррир ўринбосари:

ХОЖИЕВ ТУНИС НУРКОСИМОВИЧ

фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕСАНСИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ЖУРНАЛИ ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ

МАДЖИДОВ ИНОМ УРУШЕВИЧ

Ўзбекистон Миллий университети ректори,
профессор (Ўзбекистон)

ҲАКИМОВ АКБАР АБДУЛЛАЕВИЧ

Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Бадий академияси академиги, санъатшунослик фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

МАРИАННА КАМП РУТЦ

Индиана университети ЕвроОсиё тадқиқотлари маркази профессори, тарих фанлари доктори (АҚШ)

ЖЎРАЕВ НАРЗУЛЛА ҚОСИМОВИЧ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети профессори, сиёсий фанлар доктори (Ўзбекистон)

МАХМУДОВА ГУЛИ ТИЛАБОВНА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги “Фалсафа” илмий марказ раҳбари, фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

ИСЛОМОВ ЗОҲИДЖОН МАҲМУДОВИЧ

Ўзбекистон Халқаро ислом академияси илмий ва инновация ишлари бўйича проректори, филология фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

КЛЭР РООСИЕН

Йел университети Славян тиллари ва адабиётлари кафедраси PhD доктори (АҚШ)

АНТонио АЛОНСО МАРКОС

Сан Пабло номидаги CEU университети профессори (Испания)

ШИРИНОВА РАИМА ҲАКИМОВНА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети халқаро ишлар бўйича проректори, филология фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

КАРИМОВ ЭЛЁР ЭРИКОВИЧ

Хофстра университети профессори, тарих фанлари доктори (АҚШ)

ГАБИТОВ ТУРСУН ҲАФИЗОВИЧ

Ал Форобий номидаги Қозоғистон Миллий университети профессори, фалсафа фанлари доктори (Қозоғистон)

ЮЛДАШЕВА ФАРИДА ХЎЖАМҚУЛОВНА

Анджон давлат университети “Фалсафа” кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор. (Ўзбекистон)

НОРОВ ТОЖИ ОМОНОВИЧ

Тошкент давлат иқтисодий университетини фалсафа фанлари доктори (DSc). (Ўзбекистон)

МИРЗАХМЕДОВ АБДИРАШИД МАМАСИДИКОВИЧ

Наманган муҳандислик-технология институти в.б. профессори, фалсафа фанлари доктори (Ўзбекистон)

САФАРОВА НИГОРА ОЛИМОВНА

Навоий давлат педагогика институти фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

ИНАКОВ КОМИЛЖОН ҚОДИРЖОНОВИЧ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

ТОШОВ ХУРШИД ИЛХОМОВИЧ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

РАХИМДЖАНОВ ДУРБЕК АБИДЖАНОВИЧ

Ўзбекистон халқаро ислом академияси доценти, тарих фанлари номзоди (Ўзбекистон)

МИРЗАХМЕДОВ ХУРШИД АБДИРАШИДОВИЧ

Наманган давлат университети в.б. доценти, социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

ДЖЎРАЕВА НИГОРА АВАЗОВНА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доц.в.б., фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ АКМАЛ ШАРОФОВИЧ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети PhD докторанти (Ўзбекистон)

Дизайн-саҳифаловчи: @tadqiqotdesign

КОНТАКТ РЕДАКЦИЙ ЖУРНАЛОВ. WWW.TADQIQOT.UZ

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

EDITORIAL STAFF OF THE JOURNALS OF WWW.TADQIQOT.UZ

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Главный редактор:

МАДАЕВА ШАХНОЗА АМАНУЛЛАЕВНА

доктор философских наук, профессор

Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Заместитель главного редактора:

ЮСУПОВА ДИЛЬДОРА ДИЛЬШАТОВНА

доктор философии (PhD), по философским наукам, доцент
Университета Общественной безопасности Республики Узбекистан

Заместитель главного редактора:

ХОДЖИЕВ ТУНИС НУРКОСИМОВИЧ

доктор философских наук (PhD), Национальный
университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

ЧЛЕНЫ РЕДКОЛЛЕГИИ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКОГО И СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКОГО ЖУРНАЛА РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

МАДЖИДОВ ИНОМ УРУШЕВИЧ

Ректор Национального университета Узбекистана,
профессор (Узбекистан)

ХАКИМОВ АКБАР АБДУЛЛАЕВИЧ

Академия наук Узбекистана,
академик Академии художеств Узбекистана,
доктор искусствоведения, профессор (Узбекистан)

МАРИАННА КАМП РУТЦ

профессор Центра Евразийских исследований
Университета Индианы, доктор исторических наук (США)

ДЖУРАЕВ НАРЗУЛЛА КАСИМОВИЧ

профессор Узбекского государственного университета
мировых языков, доктор политических наук (Узбекистан)

МАХМУДОВА ГУЛИ ТИЛАБОВНА

руководитель Научного центра «Философия» при
Национальном Университете Узбекистана имени Мирзо
Улугбека, доктор философских наук, профессор (Узбекистан)

ИСЛОМОВ ЗОХИДЖОН МАХМУДОВИЧ

проректор по научным исследованиям и инновациям
Международной исламской академии Узбекистана,
доктор филологических наук, профессор (Узбекистан)

КЛЭР РООСИЕН

PhD доктор кафедры
Славянских языков и литературы
Йельского университета (США)

АНТонио АЛОНСО МАРКОС

профессор Университета
CEU имени Сан Пабло (Испания)

ШИРИНОВА РАИМА ХАКИМОВНА

проректор по международным связям
Национального Университета Узбекистана
имени Мирзо Улугбека, доктор филологических наук,
профессор (Узбекистан)

КАРИМОВ ЭЛЁР ЭРИКОВИЧ

профессор Университета Хофстра,
доктор исторических наук (США)

ГАБИТОВ ТУРСУН ХАФИЗОВИЧ

профессор кафедры религиоведения и культурологии
Казахского Национального Университета имени Аль-Фараби,
доктор философских наук (Казахстан)

ЮЛДАШЕВА ФАРИДА ХОДЖАМКУЛОВНА

заведующая кафедрой «Философия» Андижанского
государственного университета, кандидат
философских наук, профессор. (Узбекистан)

НОРОВ ТОЖИ ОМОНОВИЧ

доктор философских наук Ташкентского государственного
экономического университета. (Узбекистан)

МИРЗАХМЕДОВ АБДИРАШИД МАМАСИДИКОВИЧ

и.о. профессор Наманганского инженерно-технологического
института, доктор философских наук (Узбекистан)

САФАРОВА НИГОРА ОЛИМОВНА

Навоийского государственного педагогического института,
доктор философских наук, профессор (Узбекистан)

ИНАКОВ КАМИЛЖОН КАДЫРЖАНОВИЧ

доцент Национального Университета Узбекистана
имени Мирзо Улугбека, доктор философии (PhD)
по педагогическим наукам (Узбекистан)

ТОШОВ ХУРШИД ИЛХОМОВИЧ

доцент Национального Университета Узбекистана
имени Мирзо Улугбека, доктор философии
по философским наукам (PhD) (Узбекистан)

РАХИМДЖАНОВ ДУРБЕК АБИДЖАНОВИЧ

доцент Международной исламской академии Узбекистана,
кандидат исторических наук (Узбекистан)

МИРЗАХМЕДОВ ХУРШИД АБДИРАШИДОВИЧ

и.о. доцент Наманганского государственного университета,
доктора философии (PhD) по социологическим наукам
(Узбекистан)

ДЖУРАЕВА НИГОРА АВАЗОВНА

и.о. доцент Национального Университета Узбекистана
имени Мирзо Улугбека, доктор философии
по философским наукам (PhD) (Узбекистан)

ШУКУРОВ АКМАЛ ШАРОФОВИЧ

докторант Национального Университета Узбекистана
имени Мирзо Улугбека (Республика Узбекистан)

Дизайн-верстка: @tadqiqotdesign

КОНТАКТ РЕДАКЦИЙ ЖУРНАЛОВ. WWW.TADQIQOT.UZ

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

EDITORIAL STAFF OF THE JOURNALS OF WWW.TADQIQOT.UZ

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Chief Editor:

MADAeva SHAKHNOZA AMANULLAEVNA

Doctor of Philosophical Sciences (DSc), Professor
The National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

Deputy Chief Editor:

YUSUPOVA DILDORA DILSHATOVNA

Doctor of Philosophy (PhD), in Philosophical Sciences,
Associate Professor of the University of Public Security
of the Republic of Uzbekistan

Deputy Chief Editor:

KHODZHIEV TUNIS NURKOSIMOVICH

Doctor of Philosophy (PhD), National University
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

MEMBERS OF THE EDITORIAL BOARD OF THE SCIENTIFIC-THEORETICAL AND SOCIO-PHILOSOPHICAL JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE

MADJIDOV INOM URUSHEVICH

Rector NUUZ, Professor (Uzbekistan)

KHAKIMOV AKBAR ABDULLAEVICH

Academy of Sciences of Uzbekistan,
Academician of the Academy of
Arts of Uzbekistan, Doctor of
Art History, Professor (Uzbekistan)

MARIANNE KAMP RUTZ

Professor of the Center for Eurasian Studies
at Indiana University, Doctor of History (USA)

DZHURAEV NARZULLA KASIMOVICH

Professor of the Uzbekistan State
University of World Languages,
Doctor of Political Sciences (Uzbekistan)

MAKHMUDOVA GULI TILABOVNA

Head of the Scientific Center "Philosophy"
at the National University of Uzbekistan
named after Mirzo Ulugbek, Doctor of
Philosophical Sciences, Professor (Uzbekistan)

ISLAMOV ZOHIDJON MAKHMUDOVICH

Vice-Rector for Research and Innovation of the
International Islamic Academy of Uzbekistan,
Doctor of Philological Sciences, Professor (Uzbekistan)

CLAIRE ROOSIEN

Department of Slavic Languages and Literature
of the Yale University, PhD (USA)

ANTONIO ALONSO MARCOS

Professor of the University of CEU
named after San Pablo (Spain)

SHIRINOVA RAIMA KHAKIMOVNA

Vice-Rector for International Affairs of the National
University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,
Doctor of Philological Sciences, Professor (Uzbekistan)

KARIMOV ELYOR ERIKOVICH

Professor of the Hofstra University,
Doctor of Historical Sciences (USA)

GABITOV TURSUN KHAFIZOVICH

Professor of the Al-Farabi Kazakh National University,
Doctor of Philosophical Sciences (Kazakhstan)

YULDASHEVA FARIDA KHOJAMKULOVNA

the head of the "Philosophy" department of Andijan
State University, DCS, professor. (Uzbekistan)

NOROV TOJI OMONOVICH

Doctor of Philosophy (DSc) of Tashkent State
University of Economics. (Uzbekistan)

MIRZAKHMEDOV ABDIRASHID MAMASIDIKOVICH

Associate Professor of the Namangan Institute of Engineering
and Technology, Doctor of Philosophical Sciences (Uzbekistan)

SAFAROVA NIGORA OLIMOVNA

the Nava'i State Pedagogical Institute, Doctor
of Philosophical Sciences, Professor (Uzbekistan)

INAKOV KOMILJON KODIRJONOVICH

Associate Professor of the National University
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,
Doctor of Philosophy (PhD) (Uzbekistan)

TOSHOV KHURSHID ILKHOMOVICH

Associate Professor of the National University
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,
Doctor of Philosophy (PhD) (Uzbekistan)

RAKHIMDJANOV DURBEK ABIDJANOVICH

Associate Professor of the International Islamic Academy of
Uzbekistan, candidate of historical sciences (Uzbekistan)

MIRZAKHMEDOV KHURSHID ABDIRASHIDOVICH

Acting Associate Professor of
Namangan State University, Doctor of Philosophy
(PhD) on Sociological Sciences (Uzbekistan)

JURAEVA NIGORA AVAZOVNA

Associate Professor of the National University
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek, (PhD) (Uzbekistan)

SHUKUROV AKMAL SHAROFVICH

PhD student of the National University of Uzbekistan
named after Mirzo Ulugbek (Uzbekistan)

Design-pagemaker: @tadqiqotdesign

КОНТАКТ РЕДАКЦИЙ ЖУРНАЛОВ. WWW.TADQIQOT.UZ

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

EDITORIAL STAFF OF THE JOURNALS OF WWW.TADQIQOT.UZ

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

1. Miroslav Ballay HOW TO GET TO KNOW UZBEKISTAN.....	7
2. Махмудова Г.Т. ЗАРАТУШТРА “ГОҲ”ЛАРНИНГ ҚАДРИЯТЛАРГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН АКСИОЛОГИК КОНЦЕПЦИЯСИ.....	15
3. Қосимов Козимжон Исоқович ИЖОДКОР ШАХС ФАЛСАФАСИ ЁХУД “ЎТКАН КУНЛАР”НИНГ ИЖТИМОЙ- ФАЛСАФИЙ МОҲИЯТИ.....	23
4. Хакимова А.Х. ОБ ИСТОКАХ БУХАРСКОГО ШАШМАКОМА, О ЗАРАТУШТРЕ–АВТОРЕ ГАТ, О НАРОДЕ, ПЕВШЕМ КОЛЛЕКТИВНЫЕ ГИМНЫ О ШЕСТИ БОЖЕСТВАМ.....	30
5. Азизуллах Арал НАВОИЙ ЎЗИГА ҚЎЙГАН ҲАЙКАЛНИ БУЗИБ БЎЛМАС ЁХУД АФГОНИСТОНДАГИ НАВОИЙШУНОСЛИК ТАРИХИ.....	41
6. Жалалова Гулбахор Одилжоновна ИННОВАЦИОН МУРАККАБЛИК: АКСИОЛОГИК МУАММОЛАР ВА ЯНГИ МЕТОДОЛОГИЯ ЗАРУРИЯТИ.....	49
7. Мадаева Мўътабархон Амануллаевна ЎЗБЕКИСТОНДА МУМТОЗ ВА ЯНГИ ДАВР НАВОИЙШУНОСЛИК ТАРИХИ.....	54
8. Джураева Нигора Авазовна ОНТОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ЦЕННОСТНОГО ОТНОШЕНИЯ К БЫТИЮ.....	61

ISSN: 2181-1040

www.tadqiqot.uz


МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕССАНСИ ЖУРНАЛИ**ЖУРНАЛ РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ
JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE****Азизуллах Арал**

Алишер Навоий номидаги

Ўзбек тили ва адабиёти университети

Адабий матншунослик ва адабий

манбашунослик кафедраси доценти

**НАВОИЙ ЎЗИГА ҚЎЙГАН ҲАЙКАЛНИ БУЗИБ БЎЛМАС ЁҲУД
АФҒОНИСТОНДАГИ НАВОИЙШУНОСЛИК ТАРИХИ** <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8020442>**АННОТАЦИЯ**

Афғонистоннинг шимолий қисмида катта миқдорда ўзбеклар яшаб келмоқда. Улар Алишер Навоий ижодига ҳудуд нуқтаи назаридан ҳам яқин бўлиб, бу ўлкада Навоий билан боғлиқ кўплаб обидалар мавжуд. Ушбу ҳудуд халқи орасида Навоийга эргашиб шеър ёзиш айна заминда азалдан мавжуд. Афғонистон навоийшунослиги кейинги салкам бир аср мобайнида алоҳида йўналишга айлана бошлаган ва айна йўналишда олимлар, шоирлар фаолият олиб борадилар. Мақолада уларнинг илмий ишлари ва нашрлари ҳақида маълумот берилди.

Калит сўзлар: Афғонистон, Алишер Навоий, навоийшунослик, Навоий конференцияси.

Азизуллах Арал

Университет Узбекского языка и литературы

имени Алишера Навои

доцент кафедры Художественной текстологии

и литературного источниковедения

**НЕРАЗРУШИМАЯ СТАТУЯ НАВОИ ИЛИ ИСТОРИЯ НАВОИВЕДЕНИЯ В
АФГАНИСТАНЕ****АННОТАЦИЯ**

Большое количество узбеков проживает в северной части Афганистана. В территориальном плане они также близки к произведениям Алишера Навои, и памятников в этой стране немало, связанных с Навои. У народов этого региона сочинение стихов вслед за Навои существовало с незапамятных времен. В течение следующего столетия навоиведение Афганистана стало выделяться в отдельную область, и в этом же направлении работают ученые и поэты. В статье представлена информация об их научных работах и публикациях.

Ключевые слова: Афганистан, Алишер Навои, навоиведение, Навоийская конференция.

Azizullah Aral

University of Uzbek Language and Literature

named after Alisher Navoi, Associate Professor of the

Department of Artistic Textology and Literary Source Studies

INDESTROYABLE STATUE OF NAVOI OR THE HISTORY OF NAVOISATION IN AFGHANISTAN**ABSTRACT**

A large number of Uzbeks live in the northern part of Afghanistan. In territorial terms, they are also close to the works of Alisher Navoi, and there are many monuments in this country associated with Navoi. Among the peoples of this region, writing poetry after Navoi has existed since time immemorial. Over the next century, the history of Afghanistan began to stand out as a separate area, and scientists and poets work in the same direction. The article provides information about their scientific work and publications.

Key words: Afghanistan, Alisher Navoi, navigation studies, Navoi conference.

Кириш ва мавзунинг долзарблиги. 2023 йил 7 февраль куни Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳрида тасвирий санъат тилида барельеф деб аталувчи халқимизнинг буюк вакили Алишер Навоий деворий тасвири ҳайкали номаълум кишилар томонидан бузиб ташланди[8]. Мозори Шариф аҳолисининг маҳаллий оммавий ахборот воситаларига йўллаган суратларидан шуни кўриш мумкинки, ҳозирги ҳукумат даврида Навоий панносидаги шоир тасвири бузиб ташланиб, ўрни сувоқ қилинган. Навоий тасвири бўлган жойнинг ён томонидаги тошга ёзилган матнга ҳам зарар етказилган. Мана шу тошбитикдаги Навоий тасвири бўлган ўртадаги жойнинг икки томонида дарий, ўзбек ва инглиз тилларида Навоий ҳаёти йўли ва у амалга оширган ишлари тўғрисидаги матнлар мавжуд бўлган. Ҳайкал Афғонистонда республика ҳукуматининг сўнгги йилларида қурилган бўлиб, уни бузиш ҳозирги толиблар ҳукумати даврида рўй берди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ушбу ҳолат юзасидан салбий муносабат билдирилган.

Шуниси ғалатики, мазкур ҳодиса айнан Алишер Навоий туғилган куни – 9 февралдан икки кун аввал рўй берди. Бунда рамзий маъно бордек. Кимлардир ўзбек ва умуман инсоният маданий ҳаётида таниқли мутафаккир – Алишер Навоий ва унинг шахсиятига, меросига таҳдид солмоқчидек. Навоий ҳайкали тошларини майдалаб, ерга сочиб, унга бўлган катта эҳтиромни ерга урмоқчидек... Лекин бир нарсани унутмаслик керак. Инсонга қўйилган тош ҳайкални уриб синдириш, ер билан битта қилиш мумкин дир. Бироқ агар шахс ҳаёти давомида амалга оширган ишлари билан ўзига маънавий ҳайкал қўйишга муваффақ бўлган бўлса, уни ҳеч қачон инсоният хотирасидан йўқ қилиб бўлмади. Навоий ҳаёти ва ижоди билан ўзига мана шундай ўчмас маънавий ҳайкал қўйиб кета олган мутафаккир дир. Афсуски, ҳозирги кундаги Афғонистон мамлакати ҳақида гапирганимизда сиёсий, маданий ва маънавий масалалардаги кўплаб низо ва муаммолар кўз олдимизга келади. Бироқ ҳаммавақт ҳам шундай бўлиб келган эмас. Навоий яшаган давр – XV асрдан сўнгги йилларга қадар Афғонистон заминидаги Навоийга бўлган муносабат ва унинг Афғонистон ўзбеклари ва Шарқ маънавий ҳаётидаги ўрни катта бўлиб келган. Афғонистон ўзбеклари ва уларнинг тарихи ҳақида муайян нашрлар амалга оширилган[15]. Аммо бизни Навоий ижодига муносабат тарихи, Афғонистондаги навоийшунослик кўпроқ қизиқтиради. Шу боисдан мазкур мақолада Афғонистондаги Алишер Навоий билан боғлиқ моддий ва маданий тарихга, Навоий шахсиятига бўлган муносабатга назар ташлаймиз. Афғонистондаги навоийшунослик тарихи ва нашрлари салмоғи катта миқдорни ташкил этмаса-да, муайян ишлар амалга оширилган[5].

Навоий қурдирган обидалар

Алишер Навоийнинг Афғонистондаги изларини аввало у қурдирган ёки вужудга келишига алоқадор обидалардан излаш ва улар бўйича тадқиқотлар олиб бориш керак бўлади. Мазкур йўналишда баъзи тадқиқотлар мавжуд, аммо уларни ҳали давом эттириш лозим [12]. Бундай иншоотлар Афғонистон, ҳатто, ҳозирги Эрон территориясида ҳам мавжуд. Шу маънода Темурийлар даври меъморчилиги Навоий номи билан чамбарчас боғлиқ. Бундай ёдгорликлар Ҳирот, Балх, Машҳад ёки Хуросоннинг бошқа ҳудудларида мавжуд бўлиб, барчаси бирдек эътиборга молик.

Олимларнинг фикрича, аслида Навоий 1001 та обида қуришни ният қилган, лекин ҳозиргача турли манбаларда 366 тадан кўпроқ ёдгорлик номи тилга олинади. Шу жумладан,

айрим манбаларда фақат 15–20 обиданинг номи келтирилган, холос. Афғонистонлик навоийшунос Амин Ҳиравий фикрича, Навоий ҳаракатлари асосида Хуросоннинг саҳро ва даштлари, шаҳару қишлоқларида бунёд этилган масжид, мадраса, карвонсарой, боғ, ҳовуз ҳамда кўприклар сонини қайд этиш ва тасвирлаш мураккаб бир иш.

Айнан, Навоийнинг ҳайкали чилпарчин қилинган Мазори Шариф шаҳрига диққатимизни қаратайлик. Навоий ташаббуси ва иштироки асосида қурилган ёдгорликлардан энг машҳури Балх вилоятининг Мозори Шариф шаҳридаги Ҳазрат Али мақбараси (зиёратгоҳи) бўлади. Ҳазрати Алига нисбат бериладиган бу мақбара мажмуаси халқ орасида “Равзаҳ” ёки “Али зиёратгоҳи” деб ҳам аталади. Ушбу мажмуа техник ва қурилиш нуқтаи назаридан турли имкониятларга эга бўлиб, унда 21 та хужра, 8 дарвозали боғ, 5 эшикли ҳовли, шунингдек, мадраса, кутубхона, таҳоратхона, масжид ва музей мавжуд.

Афғонистон ҳудудида салкам ярим асдан бери давом этиб келаётган нотинчлик бу мамлакатда эркин илмий фаолият олиб бориш имкониятини чекламоқда. Навоийга алоқадор обидаларни ўрганиш имконияти нисбатан афғонистонлик олимлари зиммасида турибди [1].

Афғонистон навоийшунослари

Маълумки, Алишер Навоий ҳозирги Афғонистон ҳудудида жойлашган қадимги Ҳирот шаҳрида дунёга келди, шу ерда вояга етди, ижод этди. Дунёдан кўз юмганидан сўнг шу ерга дафн этилди. Тили ва ўзи ўзбекники, тафаккури оламники бўлган Ҳирот уйғониш даврининг энг таникли вакилларида бири бўлган Навоий ўз юртида муайян даражада ўрганиб келинади. Гап шундаки, Навоий ҳиротлик бўлишига қарамай, аксарият навоийшунослар ўзбекистонлик.

Афғонистонда Алишер Навоийни ўрганиш ёхуд навоийшунослик узоқ тарихга эга эмас. Матбуотда Навоий исми илк бор 1950-йиллардан келтирила бошланди. Унга қадар Навоий асарларининг эски ёзувдаги нусхалари фақатгина хонадонларда ва уй мактабларидагина ўқилган. Айрим шоирлар томонидан Навоий ғазалларига ёзилган мухаммаслар ёхуд бошқа кўринишдаги шеърлар яратилган бўлса-да, нашр бўлмаган. Аслида Афғонистон тарихида ўзбек тилида чоп этилган биринчи асар бу Ҳусайни тахаллуси билан шеър ёзган Темурий ҳукмдор Султон Ҳусайн Бойқаро (1469–1506)нинг шеърий девонидир. Афғонистонда биринчи босмахона 1869 йили шоҳ Амир Шералихон даврида ташкил топган. Ҳусайний девони айни босмахона ташкил этилганидан 94 йил ўтиб, 1963 йили нашр қилинган. Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган дастлабки тўплам 1967 йили Афғонистонда нашр қилинган [10].

1978 йили сўлчилар томонидан Афғонистонда содир этилган инкилобдан кейин ўзбекча ёзувдаги матнларни нашр қилишга кенгроқ йўл очилди.

Умуман олганда, ана шу 1960-йиллардан бошлаб Афғонистонлик олимлар навоийшуносликка бугунги кунга қадар ўзига хос хисса қўшиб келмоқдалар. Булар қаторида Муҳаммад Яъқуб Воҳидий Жузжоний, Абдулҳаким Шаръий Жузжоний, Абдулхай Ҳабибий, Абдуллоҳ Коргар, Абдулло Руин, Саид Муҳаммад Олим Лабиб, Саид Тожуддин Тошқин Баҳой, Нурулла Олтой кабиларни номини қайд этиш ва мазкур рўйхатни давом эттириш мумкин^[13]. Бу мамлакат навоийшунослигининг бош хусусиятларидан бири мазкур олимларнинг эски ўзбек ёзуви ва дарий тили, араб ёзувида бутун умр давомида таълим ва кундалик фойдаланишда яқинликларидир. Яъни, Навоий давридан бери давом этиб келаётган эски ўзбек тилининг матн ва сўзлашув анъанасининг Афғонистонда сақланганлиги бу юрт навоийшуносларини Навоийга, масалан, араб ёзувидаги Навоий асарлар қўлёзмаларига ҳар жиҳатдан яқинлаштиради.

Шу ўринда юқорида тилга олинган афғонистонлик навоийшунос олимларидан айримлари ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз:

1) Абдулхай Ҳабибий 1910 йили Афғонистоннинг Қандаҳор шаҳрида туғилган. У кўплаб китоблар муаллифи, 1950-йилларда “Озод Афғонистон” номли журнал ношири бўлган. 1966 йилда Афғонистон Тарих Жамияти бошлиғи сифатида фаолият олиб бориб, Афғонистон тарихига оид бир қанча китоблар нашр қилган. Абдулхай Ҳабиби 1981 йили “Амир Алишер Навоийнинг сиёсий ва фикрий қарашлари” номли китобни нашр этган.

2) Мир Хусайн Шох 1925 йили Қандаҳорда дунёга келган Афғонистонлик олим 1967 йили академик Бартольднинг Навоийга бағишланган монографиясини инглиз тилидан форс тилига таржима қилган. Адабиётшунос ва тарихчи олим ўз соҳаси бўйича ўнлаб асарлар яратган ва таржима қилган. Улардан бири “Алишер Навоий ҳаёти” номли китобдир. 1971 йили Кобулда чиқадиган “Жувандун” журналида Ўзбекистон адиби Ойбекнинг “Навоий” романи чоп этилди. Ушбу романнинг бир парчаси “Алишернинг ёшлиги” номи билан 1979 йили ўзбек тилида Кобулда босиладиган “Юлдуз” газетасида эски ўзбек ёзувида чоп қилинди. Мазкур рўйхатни давом эттириш мумкин.

3) Муҳаммад Ёқуб Воҳидий 1932-йил Сарпул вилоятида туғилган. 1967-йили тадқиқотчи афғонистонлик олим биринчилардан бўлиб буюк шоир Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги китобни нашр эттирган эди. Муҳаммад Ёқуб Воҳидий 1961 йили Кобул университетининг адабиёт факультетини битирган. Адабиёт, тарих ва география фанлари бўйича ўқитувчилик қилган. У йигирмага яқин китоблар муаллифи, жумладан Амир Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Вақфия”, “Мезон ул-авзон” каби асарларини тадқиқ қилиб, уларнинг қиёсий матнларини қайта нашр этишга муваффақ бўлган.

4) Абдуллоҳ Рўйин Тожикистон билан чегарадош Афғонистоннинг Қундуз вилоятида 1955 йили дунёга келган. У кўп йиллик тинимсиз фаолияти натижасида 2014-йилга қадар Алишер Навоий асарларидан йигирма учтасини эски ўзбек ёзувида нашр этишга муваффақ бўлди. Абдуллоҳ Рўйин Афғонистонда Навоий асарларини қайта нашр этиш устида энг кўп иш олиб борган тадқиқотчи ҳисобланади.

5) Сайид Тожуддин Тошқин Баҳой 1961 йили Форёб вилояти маркази Маймана шаҳрида туғилган. 1986 йили Кобул университетига кириб, ўзбек тили ва адабиёти бўйича таҳсил олади. Унинг бир ҳикояси, “Сувлоқ” ва “Бир сиқим тупроқ” шеърый тўпламлари нашр этилган. Алишер Навоий ҳақида қатор мақолалар ёзган ҳамда “Хамса” ва “Муҳокамат ул-луғатайн” асарларини қайта чоп этган қаламкашдир.

Навоий асарлари нашрлари ва тадқиқи

Ўзбекистонда 1968 йили Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллиги нишонланган эди. Афғонистонда ҳам шу даврдан бошлаб навоийшунослик жонланди. Навоийга оид тадқиқотлар дарий ва ўзбек тилларида чоп этила бошланди. Айниқса, Навоий асарлари нашрига катта эътибор қаратилди. Навоийни англаш унинг асарларини чуқур билиш орқали амалга оширилиши ҳаммага аён.

“Ориёна” журналининг 1945-йил 1-сонида Фикрий Салжуқийнинг “Амир Алишер Навоий” номли мақоласи босилиб чиқди. Орадан бир йил ўтиб айти журналнинг 2-сонида булғористонлик шарқшунос Домосиё Петрускуеровнинг “Буюк мумтоз шоир Мир Алишер Навоий” номли мақоласи эълон қилинди.

Яна шу «Ориёно» журналининг 1966 йилги 1-2 сонларида Навоий ижодига тааллуқли бўлган бир катта мақола босилди. Ушбу мақола автори Муҳаммад Ёқуб Воҳидийдир. Мақола “Арбаин”-и Жомий ва “Арбаин”-и «Навоий» деб аталади. Воҳидий аввал Жомий ва Навоийнинг «Арбаин» («қирқ ҳадис») лари тўғрисида ўз фикрларини қисқача баён қилиб, сўнгра бирин-кетин иккала «Арбаин» нинг ҳам матнларини келтиради [16].

1967 йили Афғонистонда Навоий туғилганига 525 йил тўлиши муносабати билан Афғонистон тарих анжумани томонидан бир илмий тўплам нашрга қилинган^[17]. Китобда пушту ва дарий тилидаги мақолалар келтирилиши мўлжалланган бўлиб, айти китоб “Амир Низомиддин Алишер Навоий Фонийнинг туғилганига 525 йил тўлиши муносабати билан” («Ба муносабати 525 соли валодати Амир Низомиддин Алишер Навоий Фоний») деб номланади, дейилган. Китобни Муҳаммад Ёқуб Воҳидий нашрга тайёрлаган, деб хабар берилади. Дарҳақиқат, мазкур китоб 1968 йили айти ном билан Кобулда нашр этилади [11]. Юқорида тилга олганимиз Ориф Усмонов мақоласининг давомида Ҳабибий мазкур тўпламдан ўринг олган мақолалар билан ўқувчиларни таништирган.

1971 йили Кобулда чиқадиган “Жувандун” журналида ўзбек адиби Ойбекнинг “Навоий” романидан парча ва роман ҳақидаги мақола чоп этилди. Сўнг айти романнинг бир

парчаси 1979 йили “Алишернинг ёшлиги” номи билан ўзбек тилида Кобулда босиладиган “Юлдуз” газетасида эски ўзбек ёзувида нашр этилди.

Афғонистондаги навоийшунослик меваларини кўриш учун ўзбек тилидаги минбар керак. Шундай жой сифатида бу мамлакатда 1978–2021 йиллар ўзбек тилида нашр этилган “Юлдуз” газетасини кўриш мумкин. Гарчи, унинг нашри мунтазам амалга оширилмаган бўлса-да, “Юлдуз” Афғонистон ўзбекларининг маънавий ва маданий кийёфаси бўлиб келган. Мазкур газетада Навоий ҳақида ўнлаб илмий-тадқиқий мақолалар нашр этилган. У 1991 йили Кобулда ташкил этилган “Амир Алишер Навоий маданий анжумани”нинг расмий нашрига айланган. Шу муносабат билан Навоийнинг деярли барча асарлари ва уларга оид тадқиқотлар ушбу газета орқали китобхонлар қўлига етиб борадиган бўлди.

1980-йиллар бошидан Навоий асарлари ҳар сафар 1000 та нусхадан кам бўлмаган адабда нашр қилина бошланди. Шоирнинг “Хамса”, “Ҳазойин ул-маоний” ва бошқа барча асарларига бугунги Афғонистон китобхони ошно бўлиб келмоқда. Ноширлик фаолятида афғонистонлик навоийшунос Абдулла Руин пешқамдамлик қилди. У 2008–2017 йиллар давомида ўзи ва фарзандларини Навоий асарларини эски ўзбек тилида нашр қилиш ишига жалб этиб, ўндан ортиқ мартаба Навоий асарларини 1000 тадан нусхада чоп эттирди [2]. Бошқа навоийшунослар ҳам Навоий асарларини нашр ишларига ўзларининг ҳиссаларини қўшдилар.

“Ориёна”журналининг 1981-йил 35-36-сонларида эса Муҳаммад Умар Алим Баётнинг “Улуғ шоир ва мутафаккир Мир Алишер Навоий” мақоласи босилиб чиқди. Бу мақолада Алишер Навоий асарларидаги адолатпарварлик, инсонпарварлик, дўстлик ва муҳаббат ғоялари кенг шарҳлаб берилган. Алишер Навоийнинг ижоди афғонистонлик шоирлар учун шеърият сирларини ўрганиш мактабига айланган.

1991 йили Алишер Навоий таваллудига 550 йил тўлиши муносабати билан Афғонистонда дарий тилида нашр қилинувчи «Хивод» («Ватан») газетасининг 1991 йил январь-февраль сонларида Навоийга бағишланган мақолалар чоп этилди. Масалан, газета 1991 йил 17 январь (1369 ҳижрий-шамсий, 27 жадий) куни “Амир Низомиддин Алишер Навоий таваллудининг беш юз эллик йиллигини нишонлаш” рукни остида йирик афгон тадқиқотчиси Абдулҳаким Шаръий Жузжонийнинг “Алишер Навоий – янги адабий мактабнинг асосчиси” мақоласининг биринчи қисмини эълон қилганди. “Хивод” газетасининг 9 февраль (1369 ҳижрий-шамсий, 21 далв) сони тўлиғича Алишер Навоийга бағишланди [6].

Навоий – шоирлар юрти фарзанди

Афғонистоннинг бир хусусияти бор. Бу ўлкада Навоий даври анъаналари ҳозирга қадар давом этади. Ёшу қари ҳамма шеър ёзади ёки ёддан кўп шеър билади. Ўз нутқини шеър билан безайди, фикрини Шарқ мумтоз адабиёти вакили қарашлари, шеърларидан парча келтириш билан асослашга ўрганган. Чунки Афғонистон мактабларидаги таълим системасида, Ўрта аср мусулмон шарқида бўлганидек, шеърнинг ўрни катта. Шу боис бу юрт шоирлари шеър ёзади, шеър ёзар экан Алишер Навоийга ўхшашга интилади. Навоий шеърларига назира боғлайди, эргашади. Бунинг натижаси ўлароқ, Афғонистондаги ўзбек зиёлилари Навоийни кўп ва ҳўб ёдлайди. Мана шундай Навоий йўлидан кетган шоирлар қаторида Домла Бедил, Муҳаммад Олим Лабиб, Мир Муҳаммад Амин Қурбат, Муҳаммад Амин Матин Андхуйи, Муҳаммад Яҳё Ҳафизий Жузжоний, Зикрилла Ишонч, Ғуломсаҳий Вакилзода кабиларни эслаш мумкин. Афғонистонлик ўзбек шоирларининг Алишер Навоий шеърларига мухаммаслари, жавоблари ва эргашиб ёзилган шеърларининг ўзинигина тўпласак, битта катта китоб бўла олади. Мана шундай китобни тайёрлаш устида иш олиб бораёпмиз.

1982 йили Афғонистоннинг Кобул шаҳрида Афғонистонлик шоирлар томонидан навоийхонлик – Навоий шеърларини ўқиш ва уларга эргашиб йиғини бўлиб ўтади^[7]. Абдузухур Абдуазизов маълумотига кўра, Алишер Навоийнинг ижоди афгон шоирлари учун шеърият сирларини ўрганиш мактабига айланган. Афғонистонда ижод қилаётган ўзбек шоирлари классик анъанага кўра кўпроқ аруз вазнида шеър ёзадилар ва Навоийга эргашиб, унинг асарларига мухаммаслар боғлайдилар. Улар орасида Қори Шарафуддин томонидан

Навоийнинг «Туз» радифли ғазалига, Муҳаммад Амин Учкун томонидан “Ҳаргиз” радифли ғазалига боғланган мухаммасаларини кўрсатиш мумкин.

Афғонистондаги кўплаб ўзбек шоирлари мавжуд ва уларнинг Навоий шеърларига эргашиб назиралар, Навоий ғазалларига мухаммаслар ёзиб келишлари ҳақидаги гапимиз курук бўлмаслиги учун бир мисол келтирамиз [3]. Мана шундай шоирлардан бири – Саййид Муҳаммад Олим Лабиб. Бу шоир 1957 йили Афғонистоннинг Форёб вилоятида дунёга келди. 1976 йили Кобул университетига ўқишга кирди, сўнгра 1984 йили Россияда ўқишни якунлаб, адабиётшунослик соҳасида филология фанлари номзоди илмий даражасига эришди. Олим Лабиб ўзбек ва дарий тилларида ижод қилади. Шоирнинг ўзбек тилида “Сўз инжулари” ва “Туйғуларим, қайғуларим” ва форс тилида “Икки кўзгуда бир тасвир” (“Як тасвир дар ду ойина”) тўпламлари чоп этилган. Муҳаммад Олим Лабиб Алишер Навоийга бағишланган қатор мақолалар муаллифи, Навоий ғазалларига ўнлаб мухаммас ва назиралар ёзган шоирдир. Қуйида Муҳаммад Олим Лабибнинг Алишер Навоий қуйидаги байт билан бошланувчи ғазалига назира тарзида битилган ғазалини ҳавола қиламиз:

*Эйки аввал қоматинг васфини шамшод айладим,
Сарви жаннат бўлки, эмди сени озод айладим.
(Алишер Навоий)*

ШИРИН УЙҚУ

(Алишер Навоий ғазалига назира)

Ишқ қасрин то кўнгил мулкида бунёд айладим,
Сакфу деворин сенинг севгинг-ла обод айладим.

Баски, кўнглим васлинг уммиди билан шод айладим,
Шеърлар севинч ила васфингга иншод айладим.

Ҳар мухаммасда чизиб бармоқларинг тасвирини,
Ҳар ғазал ичра ғазолинг шевасин ёд айладим.

Ҳар қасида чун сочинг савдосида бўлди узун,
Мен уни такрор ўқиб, ҳар кеча аврод айладим.

Икки фаттон нарғисинг, мушкин ҳилолинг васфида,
Тўртликлар ҳам рубоийларни ижод айладим.

Қитъа ёзиб сендан асло этмадим қатъи умид,
Сени Ширин деб, ўзимни айни Фарҳод айладим.

Англадим сўнграки, васл этмак таъма сендан абас,
Соддалиқ кўр, неча ўз жонимга бедод айладим.

Кеч эди, лек уйғониб қолдим бу ширин уйқудан,
Барча авҳому хаёл уйини барбод айладим.

Йиллар эрдим ҳўшсиз, гўё ойилдим бир йўли,
Ўзни то у бевафо ишқидан озод айладим.

Не осиф энди надоматдан, кўнгилни умрлар,
Бир хаёлий ушқ савдосига муътод айладим.

Ақл амри бирла фикрингни баён қилдинг, Лабиб,
Демаким, кўнглимни ҳам бу ишга мунқод айладим.

Навоий конференциялари

Айни вақтда, Афғонистондаги Алишер Навоий билан боғлиқ юксак минбар сифатида шоир таваллудига бағишлаб давлат миқёсида ўтказилган халқаро конференцияларни қайд этиш мумкин бўлади. Гарчи, бундай конференциялар сони кўп бўлмаса-да, Афғонистон навоийшунослиги учун уларнинг аҳамияти катта.

Дастлаб, 1967 йил 7 февраль куни Ҳирот шаҳрида бир ажойиб воқеа содир бўлади. Афғонистон подшоҳи Муҳаммад Зоҳир Шох (1933–1973) буйруғи ва Афғонистон Ахборот ва Маданият вазири Муҳаммад Усмон Сидқий ташаббуслари билан Ҳирот шаҳрида Алишер Навоий қабрига мармар тош қўйилган. Мармар тош Кобулда махсус ишланган бўлиб, унинг устига Хондамирнинг Навоий тўғрисидаги машҳур бир қитъаси битилган эди. Ўша 7 февраль куни Алишер Навоий қабри атрофига Ҳирот аҳолиси, шоирлар, олимлар ва Навоий мухлислари тўпланишган. Маросимни Ҳирот шаҳри волиси Муҳаммад Сидқ қисқа нутқ билан очган. Сўнг Афғонистоннинг машҳур тарихчи ва адабиётшунос олими Фикрий Салжуқий билан Муҳаммад Аълам Ғаввос Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида маърузалар қилганлар. Навоий қабрига мармар тош қўйиш маросими ҳақидаги хабар Кобул радиоси орқали пушту, форс (дарий), араб, урду, балуж, рус, инглиз, немис ва француз тилларида ўқиб эшиттирилган ва Афғонистон марказий газетларида эълон қилинган [18].

Улардан биринчиси Кобулда 1991 йили Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланган тадбир бўлди^[9]. Унда йигирмадан ортиқ маърузалар ўқилди. Аммо афсуски бу мақолалар тўплам шаклида нашр юзини кўролмади.

Иккинчи халқаро анжуман билан биринчиси ўртасидаги давр 25 йилни ўз ичига олди. Ниҳоят 2016 йили мутафаккир таваллудининг 575 йиллигига бағишлаган халқаро симпозиум пойтахт Кобул, Мозори Шариф ва Ҳирот шаҳарларида бўлиб ўтди.

Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллик юбилеи Ҳиротда халқаро миқёсда кенг нишонланди^[4]. Анжуман “Алишер Навоий тафаккурларини ўрганиш” номи остида 2021 йил 7-9 апрель кунлари ўтказилди. Анжуманни айнан шу ном остида ўтказилишига Афғонистон президенти билан семинарга оид бир мулоқатда олға сурилган бир фикр сабаб бўлди. Унда президент “Алишер Навоий бизнинг Шекспиримиз”, шунга яраша унинг юбилейини нишонлашимиз керак деб, комиссия аъзоларига таъкидлади. Бу фикр илмий қўмилада муҳокама этилиб, ниҳоят анжуманга “Алишер Навоий тафаккурларини ўрганиш” номи қўйилди. Айни конференцияда олти давлатдан навоийшунос олимлар қатнашди. Ўзбекистонлик навоийшунос олимлар иштироки салмоқли бўлди. Улар Ўзбекистон президент Шавкат Мирзиёевнинг табрик сўзлари ўрин олган Тошкентда нашр этилган 5 жилддан иборат эски ўзбек ёзувида ҳозирланган Навоий “Хамса” китобини ўзлари билан олиб бориб, Ўзбекистон совғаси сифатида тақдим этишди.

“Алишер Навоий тафаккурларини ўрганиш” номи остига ташкил этилган халқаро семинар муносабати билан 2021-йил давлат нашриёти “Озодий”да нашр этилган “Мақолалар тўплами”дан 48 номдаги мақола ўрин олди [14].

Кўриниб турганидек, Афғонистонда Алишер Навоий билан боғлиқ илмий ва амалий ишлар кейинги ярим асрда кенг миқёсда амалга оширилиб келинмоқда. Алишер Навоий ўзига ўз асарлари ва қилган ишлари бўйича маънавий хайкал қўйиб кетган. Мазкур маънавий хайкални наинки Афғонистонда, балки дунёда бузиб, йўқотиб бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Arol A. Alisher Navoiyga nisbat beriladigan yangi obidalar // Паёми донишкада, Анвори илм, Тафаккури таърих. 2022, № 2(1). – Панжакент, 2022. – Б.3-6; Labib S.M.O., Nadim M.H. Alisher Navoiyning Xurosonda qoldirgan izlari va adabiy an'anasining davomi // Alisher Navoiy. Xalqaro jurnal. 2023 (1). – Б.42-48.

2. Arol A. “Alisher Navoiy bilan bog‘liq Afg‘onistonda nashr qilingan kitoblar” // “Alisher Navoiy va XXI asr” mavzusidagi uluslararo konferansi materiallari. Toshkent – *Boku*, 2023. – B. 187-190.
3. Arol A. Navoiyga afg‘onistonlik shoir Olim Labibning nazirasi // *O‘zbekistonda ta‘lim*. 3(25), 2023, B.44.
4. Arol A. Alisher Navoiy tafakkurlarini o‘rganish (Navoiy tavalludining 580 yilligiga bag‘ishlangan Hirot xalqaro ilmiy-amaliy anjumani haqida) // *Alisher Navoiy*. Xalqaro jurnal. 2023 (1). – B.9-19; Эркинов А. Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишланган Ҳирот конференциясига ташриф // *Alisher Navoiy*. Xalqaro jurnal. 2023 (1). – B.49-57.
5. Абдуазизов А. Афғонистонда навоийхонлик // *Ўзбекистон адабиёти ва санъати*. 1982. 12 февраль; Абдуллаев В.А. Буюк сиймо: Алишер Навоий Афғонистоннинг “Юлдуз” газетаси саҳифаларида // *Ўқитувчилар газетаси*. 1982. 10 февраль; Абдуллаев В.А. Даҳо туғилган диёрда: Алишер Навоий таваллудининг 541 йиллигига // *Тошкент ҳақиқати*. 1982. 9 февраль; Урунбаев А., Абдугафуров А. Международный симпозиум в Кабуле, посвященный юбилею А. Навои // *Ўзбекистонда ижтимоий фанлар*. 1991, 5-сон. – С.56-57; Усманов А. Афганские ученые об Алишере Навои // *Ўзбекистонда ижтимоий фанлар*. 1967. 8-сон. – Б.33-37; Ҳасанов Х. Навоий мақбараси: Бомиён // *Шарқ юлдузи*. 1961. 3-сон. – Б.154-159; Зуфаров Т. “Юлдуз” саҳифаларида // *Ўзбекистон адабиёти ва санъати*. 1987. 20 февраль.
6. Абдугафуров А. Фарзона суханвар // *Ўзбекистон адабиёти ва санъати*. 1991 йил. 26 июль.
7. Абдуазизов А. Афғонистонда навоийхонлик // *Ўзбекистон адабиёти ва санъати*. 1982 йил, 12 февраль.
8. Афғонистонда Алишер Навоий ҳайкали бузиб ташланди (<https://uznews.uz/posts/62471>). 16.02.2023 йил.
9. Афғонистонда навоийхонлик // *Ўзбекистон адабиёти ва санъати*. 1991 йил, 26 июль; Абдугафуров А. Фарзона суханвар // *Ўзбекистон адабиёти ва санъати*. 1991 йил. 26 июль.
10. Амир Алишери Навоий–Фоний. Муштамил бар шарҳи зиндагий, осори умроний, малфузот ва намунаи назму насри у. Ба кўшиши Муҳаммад Яъқуб Воҳидий Жузжоний. Кобул, 1346/1967 (дарий тилидаги китоб).
11. Ба муносабати 525 соли валодати Амир Низомиддин Алишер Навоий Фоний. Ба кўшише Муҳаммад Яъқуб Воҳидий-Жузжоний. Кобул, 1362/1968 (араб ёзувида).
12. Бертельс Е. Э. Избранные труды. Навои и Джами. М., 1965. С.107; Кубо Казуюки. Меценатская деятельность Алишера Навои // *Ўзбекистонда ижтимоий фанлар /Общественные науки в Узбекистане*. №9, 1991, p.23-26; *Timurid Art and Culture: Iran and Central Asia in the Fifteenth Century*. L.Golombek, M.Subtelny. Leiden-New York: Brill, 1992. p. 47.
13. Масалан, Абдуллоҳ Коргар. Амири донишманд (Низомиддин Алишер Навоий). Пешовар, 1383/2004. 48 б.; Муҳаммад Олим Лабиб. Сайри дар дунёи сиймоҳои Навоий (Мажмуаи мақолаҳо). Кобул: Матбайи котиб, 1389/2010. 90 б.; Абдулалӣ Нур Аҳрорӣ. Амир Алишер Навоий. Ҳирот, 1393/2014. 256 б.; Розик Нарайвал. Мир Алишер Навоий. Кобул, 1397/2019. 56 б.
14. Мажмуаи мақолот семинари байналмиллалии бозхони андишаҳои Алишер Навоий. Кобул: Матбайи озодий (давлатий), 1400/2021. 376 б. (араб ёзувида).
15. Назаров Н. Афғонистон ўзбеклари. Тошкент, 2011; Бобокулов И.И. Афғонистон. Луғат – маълумотнома. – Тошкент: Complex Print, 2021.
16. Усмонов О. Афғон олимлари Навоий ҳақида // *Ўзбекистонда ижтимоий фанлар*. 1967, № 8. Б.36.
17. Усмонов О. Афғон олимлари Навоий ҳақида // *Ўзбекистонда ижтимоий фанлар*. 1967, № 8. Б.33-37.
18. Усмонов О. Афғон олимлари Навоий ҳақида // *Ўзбекистонда ижтимоий фанлар*. 1967, № 8. Б.36-37.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕССАНСИ ЖУРНАЛИ

ЖИЛД 4, СОН 1

ЖУРНАЛ РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

ТОМ 4, НОМЕР 1

JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE

VOLUME 4, ISSUE 1

УШБУ ЖУРНАЛ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН МОЛИЯЛАШТИРИЛГАН А-ОТ-2021-11-СОНЛИ “ЎЗБЕК ХАЛҚИ ДИНИЙ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ КОМПЛЕКСИНИНГ ЭЛЕКТРОН-ТРАНСДИЦИПЛИНАР ПЛАТФОРМАСИНИ ЯРАТИШ” НОМЛИ ИННОВАЦИОН ЛОЙИХА ДОИРАСИДА НАШРГА ТАЙЁРЛАНГАН.

THIS JOURNAL PREPARED FOR PUBLICATION AS PART OF THE INNOVATIVE SCIENTIFIC PROJECT NO. A-OT-2021-11 "CREATION OF AN ELECTRONIC TRANSDISCIPLINARY PLATFORM FOR THE COMPLEX OF RELIGIOUS AND NATIONAL VALUES OF THE UZBEK PEOPLE", FUNDED BY THE MINISTRY OF INNOVATIVE DEVELOPMENT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.

ДАННЫЙ ЖУРНАЛ ПОДГОТОВЛЕН К ИЗДАНИЮ В РАМКАХ ИННОВАЦИОННОГО НАУЧНОГО ПРОЕКТА № А-ОТ-2021-11 "СОЗДАНИЕ ЭЛЕКТРОННО-ТРАНСДИЦИПЛИНАРНОЙ ПЛАТФОРМЫ КОМПЛЕКСА

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000